

**ЗАМОНАВИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРДА ВАТАНПАРVARЛИК  
ФАЗИЛАТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ  
ҮРНИ**

**Шаимов Одил Косимович**

*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси катта  
ўқитуечиси*

“Ўз фарзандларида юксак ватанпарварлик руҳини камол топтира олмаган давлат, қандай қудратли қуролга эга бўлмасин, мудофаа қобилиятини мустахкамлай олмайди”

**Шавкат Мирзиёев**

**Аннотация:** Мазкур мақолада замонавий ҳарбий хизматчиларнинг ватанпарварлик фазилатларини юксалтиришда ахлоқий қадриятларнинг ўрни тўғрисидаги батафсил маълумотлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** Янги Ўзбекистон, замонавий ҳарбий хизматчи, Ватан, ватанпарварлик, оиласалар мустаҳкамлиги.

Янги Ўзбекистонни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётидаги ўзгаришлар бевосита мудофаани таъминлаш тизимига тааллуқли бўлиб, бунда ҳарбий хизматчиларда ватанпарварлик фазилатини юксалтириш масаласи ҳарбий-илмий мавзу сифатида долзарблашади. Чунки замонавий ҳарбий хизматчи, бу Янги Ўзбекистонни турли хавф ва таҳдидлардан ҳимоясини таъминловчи саналади. Шу сабабли, улар интеллектуал, жисмоний ва руҳий камол топган бўлиши билан бирга, мудофаага таҳдид солувчи ҳарқандай хавф-хатарни ўз вақтида аниқлаб, мудофаани таъминлаш йўлида қарор қабул қила оладиган бўлишлари шарт. Мазкур масалани чуқур таҳлилини амалга оширишдан олдин, замонавий ҳарбий хизматчи деган тушунчага тариф бериб ўтишга тўғри келади.

**Замонавий ҳарбий хизматчи**, бу мудофаа ва хавфсизликни таъминлашда қўлланиладиган қурол-яроқ, ҳарбий техника, турли алоқа воситаларини қўллай билиши билан бирга, ғоявий таҳдидларни англай оладиган, ахборот-психологик хавфсизликни турли даражаларда таъминлай оладиган, ўз касбини сиру асрорини тўлиқ эгаллаб, ҳарбий-касбий мажбуриятларини юқори компетенцияда бажара оладиган шахс ҳисобланади. Бу тарифимизда фалсафий-социологик концепция асос қилиб олинган бўлиб, профессионал ҳарбий хизматчи шахсини

шакллантириш таълимотига (генерал-майор, профессор К.Платоновни таълимоти) амал қилинди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон манфаатларини нафақат ҳарбий соҳада, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида, ҳар бир қадамда ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидоий бўлиш - бу бугунги кун талаби эканини ҳаётий мисоллар ва таъсирчан воситалар билан ёшлар онгига сингдириб бориш давр талабидир.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида ватанпарварлик кишиларнинг ўз ватанлари тақдири билан боғлиқ ижтимоий ривожланиш, халқларнинг ўзлари яшаётган ҳудуднинг дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнида такомиллашиб келган ҳис-туйғулар жамланмаси<sup>2</sup> эканлигидан келиб чиқан ҳолда, Ватанпарварлик бевосита ватан сўзи билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, Ватанпарварлик тушунчасига тариф беришдан олдин Ватан сўзини тарифини очиб ўтишга тўғри келади.

Ватан саждагоҳ каби муқаддас. Унинг ҳимояси эса – муқаддас бурч. Бош Қомусимизнинг 52-моддасида: “Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир”, деб белгилаб қўйилгани ҳам бежиз эмас.

**Ватан** (арабча: «туғилган жой; ота юрт») – кишиларнинг туғилиб ўсган жойи, юрти, мамлакати. Тарихан муайян халққа тегишли ҳудуд ҳамда унинг табияти, аҳолиси, ўзига хос тарихий тарақиёти, тили, маданияти, турмуши ва урф-одатлари мажмуи<sup>3</sup>.

“Буюк саркарда Амир Темур бобомиз: “Аскарлари ботир эл қудратли бўлур”, деганларида айнан ана шу ҳақиқатни назарда тутган эдилар. Мен ҳар бир аскар, Ватаннинг ҳар бир посбони Амир Темур ва улуғ лашкарбошиларимиз ўгитларини, уларнинг ҳарбий меросини чукур билиши керак, деб қайта-қайта таъкидлаб келаман. Бу ўлмас ва бебаҳо мерос ҳозирги кунда ҳам ҳар биримизнинг қалбимизга чексиз ғурур баҳш этади, муқаддас тупроғимизга садоқат туйғуларини кучайтиради,” – деб ёзади ўз китобларида Шавкат Мирзиёев<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Орлова Е.Л. Формирование системы ценностей будущего военного специалиста // Психология образования в поликультурном пространстве. 2016. № 34 (2). стр. 126-131.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.Т-2018, 65-6.

<sup>3</sup> Самаров Р.С. Ҳарбий атамаларнинг янги изоҳли луғати.:Т 2020, 310-6.

<sup>4</sup> Мирзиёев Ш.М. Таңқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. / Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. - 104 б.

Инсоннинг киндик қони тўкилган муқаддас тупроқ, уни камолот сари етакловчи, ҳаётига маъно-мазмун бахш этувчи табаррук маскан. Ватан - аждодлардан авлодларга қоладиган энг буюк ва бебаҳо мерос, бобо ва момоларимиз, ота ва оналаримиз хоки-поклари қўйилган замин, вақти-соати келиб ҳар биримиз бош қўядиган тупроқ.

Ватан муқаддасдир. Ундан қиммат, ундан азиз, ундан улуғ неъмат йўқдир. Шу бойликни қадрлаган, ундан чексиз фахрланган инсонгина оиласи, ҳалқи ҳамда жамиятига меҳр-муҳаббатли бўлади. Инсон она учун қанчалик жонфидолик қилса, Ватан учун ҳам шунчалик қайғуради, уни ардоқлайди, севади ва қўриқлайди. Ватан эрки ва озодлиги учун ҳаётини тиккан кишини ҳалқ ҳам, тарих ҳам асло унутмайди. Бундайларни бемалол ҳақиқий ватанпарвар деб айтса бўлади<sup>5</sup>.

**Ватанпарварлик** – инсоннинг ўзи туғилиб ўсан, камол топган заминига бўлган муҳаббатини ифода этадиган ижтимоий ва маънавий-ахлоқий фазилатлари йиғиндиси. Ватанпарварликнинг асосий белгиси фидойилик, олий кўриниши эса жасорат ҳисобланади. Ана шу фидойилик ва жасорат ҳалқимизнинг маънавий меросида ҳамда аждодларимиз тимсолида ўз аксини топган.

Бизга маълумки ватанпарвар ҳарбий хизматчилар хақида кўп ва хўп гапирилади, аммо ватанпарвар бўлиш кечагина ёки бугун ватанпарвар бўлиб қолмайди, балки у йиллар давомида шу ҳалқнинг, шу элатнинг ва жамиятнинг бир қисми сифатида камол топган ва ўз маънавияти, тарихий ва ахлоқий қадриятлари асосида тобланган ва тарбияланган шахс ушбу фазилатларга эга бўлади. Чунки ватанпарвар дегани бу Ватан сўзи билан бевосита чамбарчас боғлиқ бўлиб, бунда ватанни севиш, уни равнақи, ривожланиши ва гуллаб-яшнашида унга ўзини бахшида қилиш ва фидо қилиш, керак бўлса ўз ватани манфаати ва ҳимояси йўлида жонини ҳам қурбон қилишдир. Ватани учун фидо бўлиш ва жонини қурбон қилиш бир кунда пайдо бўлиб қолмайди. Бу муаян жамиятдаги индивид шахс даражасига кўтарилиб ватанпарварлик фазилатига эга бўлиш учун у энг аввало комил инсон бўлиб етилиши ва бу йўлда бир неча йиллар ва бир қанча меҳнат ва сай ҳаракатлар талаб этилади. XIX аср ўзбек маърифатпарвари, шоир Абдулла Авлоний айтадики ватанпарварликни асосини комил инсон ташкил этади. Комил инсон бўлишда тарбиянинг аҳамияти беқиёс дея бунда “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё халокат, ё сабот, ё фалокат масаласидир” деб ёзган эди<sup>6</sup>. Дарҳақиқат ушбу мантиқли сўзлардан келиб чиқадики, тарбия бу бизнинг тарихимиз,

<sup>5</sup> Ж.Туланов. Қадриятлар фалсафаси. Т; “Ўзбекистон”, 1998, 223-бет.

<sup>6</sup> Ж.Туланов. Қадриятлар фалсафаси. Т; “Ўзбекистон”, 1998, 224-бет.

буғунги ва эртанги кунимиздир, бизнинг мақсадимиз, орзу интилишларимиз, ватанимизнинг равнақи ва келажагини юксалтириш пойдеворидир. Қачонки ушбу янги Ўзбекистон деб аталмиш маскандаги ёшлар тарбияси биз хоҳлаган орзу-интилишларимиз ва ахлоқий қадриятларимиз йўғирилган мукаммал ва комиллик даражасига кўтарилса, унда ушбу юрт ўғлонларида ватанпарварлик тўлиқ таъминланади ва бу юрт ўғлонлари томонидан ватанимиз равнақи ва манфаатлари йўлидаги ҳар қандай вазифа ва топширикларни бажариш осон ва самарали кечади., Демак шу юртнинг ва жамиятнинг ажралмас бир қисми сифатида ҳарбийлар ватанпарваралиги хақида гап кетар экан, бу бевосита уларнинг кечаги кунги Армия сафларига ҳарбий хизматга чақирилиб, ҳарбий хаётга қадам қўйишидан эмас, аксинча уларни она қорнидан туғилганидан, она алласидан, она меҳри ва ота эътиборидан, боғчадаги, мактабдаги ва махалладаги таълим тарбиядан бошланади. Шу сингари ҳарбий қасб билан ўз фаолиятини боғлайдиган ҳарбий хизматдаги йигитларимизнинг ҳам тарбияси ёшлигидан ота-онанинг бағридагилигига оиладан бошланади.

Бугунги кунда Армиямиз сафларини ана шундай ватанпарвар ёшлар билан бутланиши ва ҳарбий хизматга чақирилиши, бу Қуролли Кучларимиз қўшинларида ўз танлаган касбларини устаси бўлишга ва ўз хиссаси билан мамлакатимиз мудофаа соҳасидаги қурратини ошириб, давлатимизни дунё ҳамжамияти кўз ўнгидан обрўсини юксалтиришга хизмат қиласди.

Мамлакатимизда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини бу соҳага кенг жалб этиш, Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий-сиёсий онги ва дунёқарashi, фуқаролик позицияларини ватанпарварлик асосида камол топтириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тӯғрисида”ги ПҚ-3898-сонли қарори ижроси юзасидан ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясининг қабул қилингани, армия ва халқ бирлигини таъминлаш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликдаги ишларнинг кучайтирилгани миллий армиямиз сафларини мустаҳкам ирода, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёшлар билан тўлдириб бориш имконини бермоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, инсонлар, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига халқига, она юртига муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, баҳтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” деб таъкидлаганлар.

Шу билан бирга, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларига ҳаётий ва профессионал кўникмаларни илм-маърифат асосида сингдириш, мамлакатимиз ҳаётидаги реал ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда уларнинг билимларини ошириб бориш, ён-атроф ва жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш, ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясида ҳарбий хизматчиларнинг маънавий савияси ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳамда бой маданиятимиз, азалий қадриятлар ва анъаналаримизга асосланган дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган ягона тизимини яратиш, ҳарбий хизматчиларнинг онгу тафаккурига Вatan ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини, миллий армиямиз билан фахрланиш, давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун масъулият туйғусини чуқур сингдириш, ҳарбий хизматчиларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини тизимли ва изчил равишда етказиш ҳамда дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан уларда онгли муносабат ва фаол ҳаётий позициясини шакллантириш, бурчга садоқат, масъулият, фидойиликни ошириш, миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш, Вatan озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аждодларимиз ва жасур

замондошларимизнинг ибратли ҳаётини тизимли асосда кенг тарғиб этиш белгилаб олинган.

Шунга кўра, ҳарбий хизматчиларда “Ўзбекистон халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!” деган ҳаётий эътиқодни қарор топтириш, диннинг асл мазмун-моҳиятини теран очиб бериш орқали ҳарбий хизматчиларга эзгулик ва раҳмдиллик анъаналарини сингдириш, инсонпарварлик ва меҳр-оқибат муносабатларини ривожлантириш ҳамда уларни миллий маданиятимиз ва қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром, фидойилик ва садоқат, ҳалоллик ва поклик, мустақил фикр ва соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон деб аталган жонажон Ватанимизда ҳар қайси мард йигит, аввало, меҳрибон онаси, оиласи, фарзандлари баҳтли бўлишини албатта истайди, ҳазрат Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, бу йўлда ўзининг бутун борлигини бағишлишга тайёр туради – мазмунидаги фикрлар илгари сурилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, “Келажак – боғчадан бошланади” деган шиор баландпарвоз гап эмас. Аслида ватанпарварлик, эл-юрга фидойилик бир қарашда оддий, лекин ҳаёт талаби бўлган ана шундай долзарб ишлардан бошланади. Фарзандлар тинчлиги, уларнинг баҳти, камоли – жамиятнинг энг катта бойлиги. Бунинг аҳамиятини ота-она бўлган одам билади. Айниқса, ҳозирги нотинч, мураккаб замонда бу ҳақиқатни янада чуқурроқ англаш – бу ҳам ҳаёт талабидир.

Мактабгача таълим муассасалари болаларга ахлоқий тарбия бериш ва уларни мактабга тайёрлаш билан бир қаторда уларда гендер хусусиятларни шакллантиришда ҳам катта имкониятга эга. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да кўрсатилган “Оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, оиланинг фарзанд тарбияси борасидаги масъулиятини ошириш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлашда оиланинг тутган ўрнини кўрсатиш ҳамда оила институтининг мавқеини ошириш” каби муҳим вазифаларни бажаришда ўзбек халқининг бола тарбиясига доир анъаналари ва оила ҳамда жамоа тарбияси жараёнида юз бергаётган ўзгаришларни тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Т.: «Ўзбекистан» НМИУ. 2016. 56 б.

# XXI-ASRNING ILMIY-AMALIY TADQIQOTLARI

2. Мирзаёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 32 йиллиги муносабати билан Ватан химоячиларига йўллаган байрам табриги. “Ватанпарвар”, 2024 йил 19 январ. №3.
3. капитан Ибрагимов Н.И., Қўшинларда психологик ишларни ташкил этишнинг назарияси ва амалиёти: муаммо ва ечимлар, Тошкент-2022.
4. <http://www.army.com>,
5. <http://www.iteam.ru/publications/himan>